



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Mustaqillik huquq demakdir

Нишони



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 5-dekabr, №49 (882)

Бош прокуратурада

Нишондорлар тақдирланди

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, республикаимиз ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа миллий Конституциямизнинг қабул қилинишидир. Маълумки, 8 декабрь ҳар йили мамлакатимизда Конституция кунини сифатида кенг нишонланиб, байрам қилинади. Бу йил ҳам Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги юртимизнинг барча жойларида кенг тантана қилинмоқда. Ана шу санага бағишланган байрам тадбири Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди.

Тантанали йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров кириш сўзи билан очиб, йиғилиш иштирокчиларини байрам билан табриклар экан, Бош Қонунимизнинг ҳаётимизда ҳамда жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти, қолаверса, унинг умуминсоний, демократик моҳиятининг ҳаёт билан ҳамоханлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимларининг мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги хизматлари доимо эътиборда. Зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни сидқидилдан ва фидокорона бажарётган кўплаб ҳамкасбларимиз кўксини давлатимизнинг орден ва медаллари безаб туриб-

ди. Қувонарлиси, йилдан-йилга бу саф кенгайиб бораётир.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқуллода вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони асосан бир гуруҳ прокуратура органлари ходимлари ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланган эдилар. Шу кунини бўлиб ўтган байрам тадбирида Бош прокурор мукофотларни эгаларига тантанали равишда топширар экан, зиммаларидаги улкан ишонч оқлашда уларга катта зафарлар, мустаҳкам соғлиқ, oilаларига тинчлик-хотиржамлик тилади.

Ўз мухбиримиз

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси



Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири

"Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таъкидланишича, прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради. Бу борада прокуратура органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, мурожаатларни ўз вақ-

тида, ҳар томонлама ва холисона ҳал қилиш, бунда асосан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Прокуратура органлари томонидан 2013 йилнинг 9 ойи мобайнида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қонун доирасида тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Келиб тушган мурожаатларнинг 47 мингдан ортиғи прокуратура органларида ҳал этилиб, қарийб 10 мингга яқин шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари прокурор назорати ҳужжатлари қўлла-

ган ҳолда тикланди.

Фуқароларнинг қабулига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, бу борада ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш чоралари кўрилган. Барча прокуратура органларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, қабул жадвали тузилган ва ушбу жадвалга мувофиқ фуқаролар ҳар кунини, улар учун қулай вақтда қабул қилинмоқдалар. Чунончи, бу даврда прокуратура органлари томонидан жами 86 мингдан ортиқ фуқаро қабул қилиниб, шундан 26 мингдан ортиғи яшаш, иш ва ўқиш жойларида қабул қилинган.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Тегишли қарор қабул қилинди

Йиғилишда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳокимликлар, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотларда ўтказилган текшириш натижалари муҳофаза қилинди.

Тадбирда мамлакатимизда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиши сиёсий ҳуқуқ сифатида эътироф этилиб, мазкур ҳуқуқни кафолатловчи қонунчилик базаси яратилганлиги қайд қилинди.

Шу билан бирга, йиғилиш жараёнида айрим давлат ҳокимияти ва бошқаруви, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари кескин танқид остига олинди.

Текширишда мурожаатларни қонунда белгиланган муддатларда ёки асоссиз равишда кўриб чиқмаслик, кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма шаклда хабар бермаслик, қонуний талабларни асоссиз рад этиш каби бошқа кўплаб ҳолатлар аниқланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Прокуратура органлари томонидан 2013 йилнинг 10 ойида йўл қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари бўйича 4323 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, шундан 4011 нафар мансабдор шахслар интизоми ва маъмурий жавобгарликка тортилди,

қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича эса 44 та жиноят ишлари кўзгатилади.

Прокуратура органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг давлат органлари томонидан ижро этилиши устидан мунтазам назоратни амалга ошириш билан бир қаторда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўриломоқда.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг 10 ойида 123 мингдан зиёд фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши натижасида 11 мингга яқин фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, йиғилишда соҳага масъул давлат органлари фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан тизимли идоравий назоратни кучайтириш ва уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриши зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Идоралараро йиғилиш натижасига кўра, келгусида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳолини янада яхшилаш, ушбу соҳада назоратни кучайтириш хусусидаги қарор қабул қилинди.

Бош прокуратура
Матбуот хизмати

Обуна — 2014

2014 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта алоқаси бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.



НАШР ИНДЕКСИ – 231

Давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг илк йилларида аграр тармоқни ислоҳ қилиб, фермерлик ҳаракатини жорий этишнинг устувор вазифалари белгилаб олингани ва соҳада амалга оширилаётган ишлар "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган эзгу ғоянинг амаллаги ифодасидир.

Президентимизнинг 1996 йил 8 августдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонларининг қабул қилиниши, текширишларни рўйхатга олиш китобининг жорий этилгани хусусий мулк эгаларининг молия-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйди. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши эса қишлоқ мулкдорларининг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги тузилманинг йўлга қўйилиши қишлоқда мустақил иш юритадиган, эркин фикрлаб, ер билан тиллашадиган мулкдорлар синфини шакллантирди.

Ислохотлар самараси

Қишлоқ хўжалиги салоҳиятини юксалтириб, экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширди.

Бунди тумандаги Набижон Қўчқаров раҳбарлик қилаётган "Насибжон" масъулияти чекланган жамияти мисолида яққол кўриш мумкин. Дастлаб боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил қилган Набижон қишлоққа саноатни олиб киришни орзу қиларди. Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли унинг орзуси рўйбга чиқди. 0,10 гектар майдонда боғ яратиб, мўл ҳосил, яхшигина даромад олиш мумкинлигини амалда исботлади. Ҳозирда 105 млн. сўмлик инвестиция жалб қилиш орқали мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини очди. Бунинг учун тадбиркор ўз маблағидан 25 млн. сарфлаган бўлса, банк томонидан 80 млн. сўм имтиёзли кредит олди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 тоннани ташкил қиладиган мазкур корхонада 20 нафар иш ўрнининг яратилишига эришилди.

Туманимиздаги Аъзамжон Даминов раҳбарлигидаги "Жонобод чорваси" фермер хўжалиги ҳам ана шундай эзгу ишларни бошлаганлардан биридир. Мазкур фермер хўжалиги 2007 йилда ташкил қилинган бўлиб, ҳозирда 102 бош қорамол парваришланмоқда. Кейинги йилларда фермер хўжаликларида берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда

ўз фаолият турини кенгайтиришга эришган фермер Хитой ва Россия давлатларидан ўз маблағига сутни қайта ишлаш ускуналари олиб келиб ўрнатди. Натижада ўз хўжалигида соғиб олинаётган сут маҳсулотини қайта ишлаш орқали 4 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Қувонарли томони шундаки, у келгуси йилдан бошлаб қўшни фермер хўжаликларининг маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Белгиланган озиқ-овқат дастурига кўра, туманимиз бўйича 2014 йилда 3 млрд. 620 млн. сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Дастурда хориждан 380 бош зотдор қорамол сотиб олиш, 10 гектар майдонда интенсив боғ барпо этиш, 10 гектар ерда замонавий иссиқхона ташкил этиш, 200 тонна симиंगा эга музлаткич камераси, 216 тонна сутни қайта ишлайдиган корхонани ишга тушириш каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, қиш-баҳор ойлари учун 300

Баҳромжон АЛИМДЖАНОВ,
Избоскан туман прокурори

тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган махсус омборхоналар тайёрланмоқда.

Бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кредит ажратишни кенгайтириш, фермер хўжаликларини модернизация қилишга кўмаклашиш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқ жойларни жадал ривожлантиришни таъминлаш улар фаолиятининг устувор йўналишларидир.

Жорий йил бошидан буён тижорат банклари томонидан, жумладан, 156 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 707 млн. сўм, 57 та аҳоли ва фермер хўжаликлари уруғ, кўчат сотиб олиш учун 98,7 млн. сўм, 6 та кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига насли қорамоллар сотиб олиш учун 400,2 млн. сўм, 28 та хўжалик юритувчи субъектларга паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун 329,9 млн. сўм, 7 та корхона ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун 223,3 млн. сўм ҳамда 17 нафар коллеж битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятларини юритишга 106,6 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики жадал ривожланти-

риш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший электр буюмларни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кўпайтиришга ёрдам бераётди. Жумладан, 141 нафар фуқарога 582,1 млн. сўм миқдорда истеъмол кредитлари, 8 та хўжалик юритувчи субъектларга 220 млн. сўмлик ипотека кредитлари, 5 нафар тадбиркорга ўз фаолиятларини юритишлари учун 38 млн. сўм, хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 20 та кичик бизнес субъектларига 204,3 млн. сўм, 64 нафар тадбиркорга 1 млрд. 509,7 млн. сўм миқдорда савдо кредитлари, шунингдек, айланма маблағларини шакллантириш учун 36 та кичик бизнес субъектларига 349,6 млн. сўм, 4 та таъминотчи корхоналарга 500 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича комплекс дастурни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 2009-2012 йилларда мазкур дастур доирасида 3 та қишлоқ фуқаролар йиғинида 132 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу йил 2 та қишлоқ массиви ҳудудда намунали лойиҳалар асосида 45 та шинам уй-жой қуриш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳоли учун кенг имкониятлар очиб бераётган катта миқдордаги маблағлар қишлоқни комплекс ривожлантириш, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётди.

Мудирнинг найранглари

Аҳмаджон БОБОБЕКОВ,
Жиззақ вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Орадан ўн кунча ўтиб, мудир яна кўнғирок қилиб:

— Ҳозир бир одамни юбораман, зудлик билан 200 минг бериб юборинг, — деди.

С.Қурбонова бир амаллаб 100 минг топиб, бериб юборди. Бир ойда ўтгач, мудир яна кўнғирок қилди:

— Опажон, шифохонада ётибман, қолган 300 минг сўмни ҳам бериб юборинг.

С.Қурбонова унга ёнида бўлган 150 минг сўмни etkazди. Пахта мавсумида эса мудир ундан пахта харажатларига деб, олдин 600 минг, кейин 400 минг сўм олиб, индамай кетди.

Бир куни боғчага вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи келиб, бошқа одамни мудирликка тайинлаб кетди. С.Қурбонова С.Даллиевдан шунча харажат қилиб ўтолмагани сабабини сўради ва пуллари қайтариб беришини талаб қилди...

Бу орада мудирнинг бошқаларга ҳам шу каби найранг ишлатгани маълум бўлди. Б.Ўзбекова тумандаги "Юлдузча" мактабга таълим муассасасида мудирлик лавозини бўшлигини эшитиб, номзодини қўйиш учун туман халқ таълими бўлимига борди. Унинг гапларини эшитган мудир:

— Яхши, сиз шунга истасангиз, биз ёрдам берамиз, фақат озгина харажати бор, — деб ундан 400 минг сўм пул беришини сўради.

Б.Ўзбекова унинг тамагирлигидан жаҳли чиқса ҳам, эртасига 300 минг сўм келтириб берди.

Қўл ўтмай бу боғчага ҳам бошқа мудир тайинланиб, С.Даллиевнинг ўз нафсини ўйлагани маълум бўлди. Алақибат, найрангбоз мудир айбига яраша жазо олди. Шунингдек, жабрланувчиларга etkazилган зарар ундириладиган бўлди.

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сўнг қўйилган илк халқаро ҳужжатлардан бири — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳисобланади. Шундан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз инсон, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб халқаро ҳужжатларни имзолади. Шулардан бири бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенциялар.

Шу куннинг муҳим масаласи

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,
«Huquq»

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, келажакда Ватанга, халқига нафис тегадиган фидойи инсон қилиб тарбиялаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, тегишли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Яқинда Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мажлислар залида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлар бўйича комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Таълим тўғрисида"ги ва "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижроси спорт ва таълим муассасаларида вояга етмаганларни, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи болаларни спорт тўғрараклари ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтиришга оид ишларнинг аҳоли ва бу борада Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар масъул идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини тубдан ошириш, болаларни спортга жалб этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини кескин яхшилаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, бу борадаги ишларни ташкил этишда нуқсонлар борлиги ҳам танқид қилинди. Йўл қўйилаётган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича спорт ва таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликини мустаҳкамлаш зарурилиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун мутасадди идораларга юборилди.

Айримлар мансаб отига миннисишни, дарров ўз нафсининг қулмига айланишди.

Ёрдам сўраб келганлардан бирор нима уминовор бўлишди, тама қианшан ўзларини тия олишмади. Салоҳиддин Даллиевга ҳам омад кулиб боқиб, Дўстлик тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир вазифасига тайинланган. У ўзига юклатилган вазифаларни сиққималдан бажариш ўрнига, ноқонуний йўл тутиб, кетма-кет хатоликларга йўл қўйди.

С.Қурбонова тумандаги "Бинафша" мактабга таълим муассасаси мудирлигига номзод сифатида С.Даллиевга учрашди. Мудир уни боғча вақтинча мудир вазифасини бажарувчи этиб тайинлади.

Орадан бироз ўтиб мудирнинг олдига келган С.Қурбонова:

— Бошқарма бошлигининг буйруғини қачон олиб келасиз? — деди.

— Пахта мавсуми тугасин, вилоятдан мен ўзим буйруқни чиқартириб бераман. У ёққа ўзим тавсиянома бердим, ҳамма ҳужжатларингиз бошқармада турибди. Фақат шу... — мудир бироз тўхтаб олди. — Харажатлари бор-да. Чунки, бу буйруқни ўзим чиқаролмайман, — дея 500 минг сўм сўради...

Шундан сўнг С.Қурбонова бир неча бор вилоят халқ таълими бошқармасига бориб-келди. Лекин кутилган натижа кўринмади.

Кунларнинг бирида С.Даллиевнинг ўзи боғчага қилиб келди ва:

— Опа, хаффа бўлмайсиз, келишган пулимизни бермасангиз бўлмайди.

— Ҳозир бунча пулим йўқ эди, нима қилсам экан?

— Майли, қанча бўлса ҳам беравинг.

Аёл ёнида бўлган 100 минг сўмни унга узатди. Мудир пулни олиб чиқиб кетди.



"Муқаддима". Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида, фуқароларимиз тафаккурида турмуш тарзининг янги мазмун ва моҳият касб этишида, янги қарашларнинг шаклланишида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўйбга чиқишида муҳим аҳамият касб этган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шу сарлавҳа ва унинг остида берилган муҳтасар матн билан очилади.

Халқимиз ўз вакиллари сиймосида инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда ифода этган, Президентимиз томонидан "қонунлар қонуни" деб таъриф берилган бу муътабар ҳужжат ўзбек давлатчилиги ривожига, тарихий тажрибасига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини ўзида муҳасамалаштирган.

Давлатимиз раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида Конституцияга баҳо бериб: "Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Аввалмбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамият дунёвий неъматлар орасида энг улуги инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик", деган эди.

Инсон умри давомида бахтли яшашга, турмушини фаровон ва нурафшон қилишга интилади. Ана шу мақсадда ўқийди, илм олади, касб танлайди ва меҳнат қилади. Академик шоиримиз Ғафур Ғулум ўзининг

Тақдирини қўл билан
яратаётган инсон,
Ғойибдан келажақ бахт бир
афсона,

деган мисраларида инсондаги бахтли яшашга бўлган интилишини кўзда тутганилини ва ҳар бир кишининг қўл қовуштириб ўтирмасдан доимо ҳаракатда, изланиш ва меҳнат қилиб яшашга чорлов борлигини англаш қийин эмас.

Ўз даврининг қомусий билим соҳибларидан бири саналган Юсуф Хос Хожиб кейинги авлодлар тафаккурини бойитсин деб, улуг бир китоб яратди ва унга "Қутадғу билиг" деб ном берди. Бу "бахт келтирувчи" ёки "бахтга элтувчи билим" деган маъно беради. Китобнинг ҳар саҳифаси давлатни бош-

Қонунчилигимиз «Муқаддима»си

қариш, адолат ва эзгулик, муомала маданияти, севги-муҳаббат, дўстлик ва садоқат каби инсон ҳаётининг турлитуман қирраларини ўзида муҳасам этган.

Китобда қонун ва қонунчилик билан боғлиқ масалалар кенг ва ўзига хос тарзда ёритилган. Шунингдек, унинг саҳифаларида давлат бошқаруvidан тортиб барча ишларидан адолат мезонига қатъий амал қилишга доир жуда ибратли фикрлар бор. Ҳеч шубҳасиз, бу китоб ўша давр ҳукмдорлари учун давлатни бошқариш ва суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ ишларда адолатга амал қилишни ўргатувчи, уни доимо ёдга солиб, ҳақиқатга даъват этиб турувчи муҳим қўлланма вазифасини ҳам ўтаган.

Айтмоқчимизки, тафаккур ва ақл-заковатнинг ҳосиласи бўлган ҳар бир китоб инсонни бахт-саодат, фаровон ҳаёт томон етаклайди, унга йўл-йўриқ кўрсатади, адолат мезонларини бузмасликка даъват этади.

Ана шундай гоёлар билан сугорилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси сифатида майдонга келди. Юқорида айтганимиздек, Президентимиз томонидан Бош Қонуимиз дея улуғланган бу табарруқ ҳужжатда инсон ҳақ-ҳуқуқларининг олий қадрият даражасига етганини кўраимиз. Ҳа, Конституция халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида муҳасам этган, давлат ва жамият ҳаётида, унинг узлуқсиз тараққи этишида, қонунлар устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган муътабар ҳужжатдир. У кўрсатган йўл бахт-саодат йўли эканлигини бугун ҳар қадамда ва ҳар бир соҳада аққол ҳис этиб турибмиз.

Айтиши жоизки, мустақиллик йилларида халқимиз жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди ва шу йўлдан келажақ сари ишонч билан одимлар қилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида шахар ва қишлоқларнинг кифёсати тубдан ўзгарди. Иқтисодиётимизда рўй берган юксалишлар натижасида халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланди. Энг муҳими, жамият ҳаётида, фуқаролар тафаккурида мамлакат келажагига бўлган ишонч ва янги қарашлар, меҳнатга, мамлакатда жорий этилган қонунларга бўлган муносабат ўзгарди. "Қолхоз", "совхоз" деган тушунчалар ва тузилмаларнинг ҳаёт тарзимиздан чиқиб кетиши, ер ва мўлка бўлган муносабатларнинг ўзгариши, ер ўз эгаларига берилиб, фермер хўжаликларининг пайдо бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши натижасида мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти мисли кўрилмаган микёсларга эришди. Бундай муваффақиятларнинг қўлга киритилиши одилона сиёсат, эркин ва овоз меҳнат, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг муқтаҳкам ҳимояси ва мамлакатда амалга оширилган ислохотлар натижаси эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Рустам ХАЙИТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунилигини таъминлаш, давлатнинг бош ислотҳоти вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, қўли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатлигини таъкидлаган эди.

Бугун биз ислохот-ислохот учун эмас, балки ислохот халқнинг фаровон турмуши, унинг озодлиги ва эрки, тенглар ичра тенг бўлиши, яъни дунёда юксак даражада ривожланган халқлар даражасида туриши, билими, савияси ва маъиё жихатидан ҳеч кимдан кам бўлимаслигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётганини яхши англаймиз ва ҳар бир соҳада унинг тўла-тўқис амалга ошиши учун курашмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси Конституциямизда белгилаб берилган қоидаларнинг амалдаги ифодасидир.

Халқ бахти учун курашмоқ — олий саодат. Бугун корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, фермерларимиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган фуқароларимиз ўз фаолиятларини янада кенгайтираётганлари, янги иш ўринлари яратиб, касб-хўнар коллежаларни тугаллаган йигит-қизларни ишлаб чиқаришга янада кенгрок жалб этиш йўлидан бораётганлари, халқимиз турмуш даражасини ҳар қанонидан ҳам юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўлига назар ташласак, муқтаҳкам иқтисодий ва сиёсий тизим ташкил топгани, ислохотлар ва модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги ва саноат, маориф ва тиббиёт, шаҳарсозлик ҳамда қишлоқ қурилиши, фан-техника, барча-барча соҳаларда босқичма-босқич давом этаётганини кўраимиз.

"Муқаддима". Аслида Конституциямизнинг ўзи қонунлар муқаддимасидир. Чўнки, ҳаётимизга жорий этилаётган ҳар бир қонун Конституциядан куч олади, унга таянади ва унинг мазмун-моҳиятига асосланади. Таъбир жоиз бўлса-ю, биз бу қомусий ҳужжатни қўшга ўхшасак, жорий этилаётган қонунлар унинг нурларидир. Бу мунаввар ёғдулар халқ ҳаётини ёритида, унинг бахт-саодати, эркин ва фаровон турмуши учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумэтироф этган демократик тамойиллар билан бир қаторда, халқимизгагина хос бўлган миллий анъана ва қадриятларни ўзида акс эттирганлиги боис халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чинакам қалқониға айланган.

Ёш авлод тарбиясининг ҳуқуқий таянчи

Ҳамидбек ЯВБАСАРОВ,
Хоразм вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

Муқтақилликнинг илк қунлариданок мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узоқ келажақни кўзлаган ҳолда, мамлакатимизда ёшлар сиёсати масаласи долзарб даражага кўтарилиб, уларнинг илм олишлари, соғлом ва баркамол, келажақда она ватанимизнинг равнақи учун хизмат қилувчи фидойи инсонлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратилиши устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Бош Қонуимизга киритилган бир қатор меъёрлар бунинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Конституциянинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", 65-моддасида эса, "Фарзандлар ота-оналарнинг насли-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", деб белгиланган.

Ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик, уларнинг барча имкониятлардан фойдаланишлари ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш учун таълим муассасалари раҳбарлари, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг масъулияти оширилмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 47-моддасининг 2-қисм билан тўлдирилиши фикримизни тасдиқлайди. Унга асосан, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хўнар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўққинчи қилиниши — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди. Бу ўқувчиларнинг дарс машғулотларига қатнашиш давоматини таъминлашда ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг фарзандлари таълим-тарбияси билан шуғулланишларида жавобгарлиқни янада оширибгина қолмасдан, бу борада масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилишни талаб қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни 30-моддасида "Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўнар таълими олишлари учун жавобгардирлар", деб ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари алоҳида таъкидлаб қўйилган. Шундай экан, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларда қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа бўлмай, балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланишларида бевосита жавобгарлик масъулиятини юклайди. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсонийлик бурчидир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 47-моддасини ушбу иккинчи қисм билан тўлдирши замирида ёшларни илм олишдан қалғитмаслик, ўқувчиларни таълим-тарбия жараёнида касб-хўнар ўрганишга ва келажақда жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга даъват этибди.

Конституциямизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қамолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидир", деб айтилганидек, мамлакатимизда жинси, тили, ёши, ирки, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий давке, турар жойи, Ўзбекистон ҳудудида қанча вақт яшаганлигидан қатъи назар, ҳар ким билим олишда тенг ҳуқуқли эканлиги қафолатлаб қўйилган.

Шулардан келиб чиқиб, вилоятда ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг йиғилишларида таълим муассасаларидаги ўқувчилар давоматини яхшилаш масалалари мунтазам равишда муҳокама қилиниб борилиши йўлга қўйилган. Вилоятнинг барча шахар ва туманларида мазкур масалада ҳудудий прокурорлар иштирокида комиссиянинг 250 та йиғилишлари ўтказилган, натижаси бўйича фарзандларини дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишини таъминламаётган 816 нафар ота-оналарга нисбатан тўплаган ҳужжатлар кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилиб, 675 нафар ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилган, 126 нафарига жамоат танҳиб берилган, 15 нафари судлар томонидан огоҳлантирилган.

Ҳар бир ота-она фарзандининг қамолини кўриши, кексайганда суянчиги бўлиши истидади. Бу истак рўёби учун ёшлар тарбиясига эътиборни қучайтириш ва уларнинг давлатимиз томонидан қафолатланган ҳуқуқларидан фойдаланишларини таъминлаш лозим.

Истиқлол барча орзуларимизни рўёбга чиқариш учун кенг имконият яратиб берди. Шундай экан, ёш авлодни қомил инсон қилиб тарбиялаш масаласига эътиборни мунтазам қучайтириб борган ҳолда, уларнинг орзулари ушланиши учун қўмақлашимиз лозим. Фарзандлар таълим-тарбиясига ҳаммамиз бирдек масъулмиз, айниқса, ота-оналар ўзларининг бурч ва масъулиятларини ҳеч қачон унутмасликлари лозим.

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири

Хисобот даврида маълум бўлишича, меҳнат, уй-жой, ижтимоий ҳимоя масалалари, вояга етмаганлар ҳуқуқларига доир, солиқ соҳасига оид, шунингдек, прокуратура ва ИИБ органларидаги жиноят ишлари ва материаллари бўйича, суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши юзасидан, айниқса, алимент ундириш тўғрисидаги муурожаатлар сезиларли равишда ошган.

Ўз навбатида, прокурорлар томонидан муурожаатларнинг охиши сабаблари таҳлили ва бу борада қўлланганлар прокурор назорати ҳужжатлари айрим соҳаларда содир бўлаётган қонунбузилиш ҳолатларининг ўз вақтида бартараф қилинишига олиб келган. Хусусан, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида 47 та муурожаатларни қўриб чиқиш муддатлари узрли сабабларсиз кечиктирилганлиги, улар юзасидан бирон-бир текшириш ўтказилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, муаллифларга жавоб хатлари берилмасдан ҳаракатсиз қолдирилганлиги, айримлари эса умуман йўқ бўлиб кетганлиги, муаллифларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмай, муурожаатлар оқибатсиз қолиб кетганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан 2013 йил 22 июнда вилоят ССБ бошлиғи ўринбосари У.Суванов ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган. Шунингдек, Касби туманидаги "Окжан-гал" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Боллиев ва унинг котиби Б.Мейлиев ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақа таъинлаш ҳақидаги мезон талабларини бузган ҳолда фаолият юритиб келганлиги фу-

қароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган. Ёки Ховос тумани почта алоқа тармоғига қарашли "Бобур" алоқа бўлими ходими Т.Бозоровнинг 66 нафар пенсионерга берилиши керак бўлган 15 млн. 451 минг сўмлик пенсия пулларини тўлов ҳужжатларидаги имзоларни қалбақлаштириб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишда аниқланган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Ўтган даврда тadbиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Яъни республика прокуратура органлари томонидан тadbиркорларнинг ҳуқуқларини бузилиши юзасидан ҳал қилинган муурожаатлардан 384 таси қаноатлантирилди. Жумладан, "Кармана курувчи" МЧЖ раҳбари В.Бўриевнинг "Асака" банкнинг Навоий филиалидан тикувчиликни ривожлантириш ҳамда бу билан 35 та янги иш ўрни яратиш учун кредит сўраб ёзган муурожаатига асосан Навоий шаҳар прокуратураси аралашуви билан тadbиркорга банк томонидан 158 млн. сўм кредит маблағи ажратиб берилиши таъминланди.

Тахлилларга кўра, айрим ҳолатларда соҳага масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги ҳам муурожаатларнинг охишига са-

баб бўлмоқда. Хусусан, Норин туманида З.Жумановнинг солиқ турмуш ўртоғи Д.Жуманов 7 млн. 850 минг сўмлик, Денов туманида К.Шоймардоновнинг қарздор П.Ғаниев томонидан 6 млн. 385 минг сўмлик ҳамда Учқўрғон туманида Б.Умаровнинг қарздор О.Абдуллаев томонидан 2 млн. 400 минг сўмлик алимент пулларини тўламай келатганлиги ҳақидаги муурожаатларига масъул суд ижрочилари томонидан ўз вақтида муносабат билдирилмаган. Уларнинг прокуратура органларига муурожаатларидан сўнг қарздорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган суд ижрочилиги нисбатан интизомий чоралар қўлланилган.

Бундан ташқари, барча прокуратура органларида тadbиркорларнинг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва ҳал этиш ишларини фаоллаштириш мақсадида ишонч телефонлари ўрнатилган. Айни вақтда прокуратура органларига фуқаролардан ишонч телефонлари орқали келиб тушган муурожаатлар ҳам "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартиб асосида қўриб борилмоқда. Хусусан, фуқаро Ш.Холиқовнинг яқка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтишда амалий ёрдам бериш ҳақидаги ишонч телефонига қилган муурожаати ечимини топди. Навбахор туман прокуратураси аралашуви билан унга ту-

ман ҳокимлиги ҳузуридаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан яқка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Прокуратура органларига фуқаролар томонидан тухмат, ҳақорат ҳамда сохта уйдирмадан иборат бўлган ариза ва шикоятлар билан ҳам муурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай муурожаатлар юзасидан муурожаат муаллифларининг ўзларига нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўлланилмоқда. Хусусан, бу давр мобайнида тухмат мазмунидagi муурожаатлар юзасидан ариза муаллифларидан 166 нафарига нисбатан МЖТКнинг 40-моддаси билан маъмурий ишлар қўзғатилган. Жумладан, фуқаро М.Тўхлиевнинг Пастдарғом туман тиббиёт коллежи мансабдор шахслари ҳаракатидан норози бўлиб ёзган муурожаати текширилганда, ундаги важлар ўз тасдиғини топмаган. Муаллифга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилиб, суд томонидан огоҳлантирилган.

Маъмурий жавобгарликка тортилганидан тегишли ҳулоаса чиқармаган ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда айблаб, тухмат қилган, шикоят қилишни ўзига касб қилиб олган 10 нафар шахсга нисбатан эса ЖКнинг 139-моддаси билан жиноят ишлари қўзғатилган. Масалан, фуқаро Ч.Тожиёвнинг Термиз шаҳар бандликига қўмаклашиш ва аҳолини

Шерзод АМИРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори О.Мамадалиевнинг 2012 йил январь ва февраль ойларида бир қанча фуқаролардан пул олиб ишга жойлаштирилганлиги ҳақидаги муурожаати текширилганда, аризадаги важлар ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли муаллифга нисбатан ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Ўз навбатида, фуқаролар ва юридик шахсларнинг прокуратура органлари томонидан муурожаатларини текшириш натижаларидан қониқарсиз қолганликлари, текширишда қилбозлик кўрсатган, қонунбузилиш ҳолатларига мурасасизлик билан чек қўйиб, айбдор шахсга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўрган ҳодимларга миннатдорчилик билдириб ёзган хатлари мунтазам равишда Бош прокуратурага келиб тушмоқда.

Прокуратура ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқ тарғиботи, фуқароларни қабул қилиш маданиятини янада ошириш ҳамда мунтазам равишда қонун устуворлигининг таъминланишига қаратилган фаолиятларини такомиллаштириб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиш, бу борада фаол меҳнат қилишмоқда. Зеро, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Ногиронлар манфаати – доимий эътиборда

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" (янги таҳрирда)ги Қонуни 10-моддасида "Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларига, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўқсинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўқсинликсиз фойдаланиши учун шaroитлар яратиши шарт", эканлиги қайд этилган.

Қонуннинг мазкур моддасига асосан аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар вокзаллари, аэропортлари ҳамда бошқа объектларини уларнинг хизматларидан ногиронларнинг тўқсинликсиз фойдаланиши имконини берувчи махсус мосламалар билан жиҳозлашни таъминлаш лозимлиги ҳам белгиланган. Шунингдек, ногиронлар ёки ўз таркибда ногирон бор оилалар эгаларга турар жойлар, шунингдек, ногиронлар

учун қурилатган уй-жойлар уларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозлашни керак. Бундай турар жойларни жиҳозлаш уй-жой фонди ўз тасарруфидан бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Мазкур объектларни уларга ногиронларнинг тўқсинликсиз кириши учун мослаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, тегишли ташкилотлар ногиронларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришни таъминловчи зарур чора-тadbирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

Қонунга мувофиқ, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига кириши ҳамда транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланишига тўқсинлик қилинганлик учун иқтисодий жавобгарлик белгиланган.

2013 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди.

Унга мувофиқ, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт

объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўқсинликсиз кириши учун, шунингдек, темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўқсинликсиз фойдаланиши учун шaroитлар яратиш бўйича мазкур қонунда назарда тутилган талабларни баҳармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 51-1-модда билан тўлдирилиб, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз барваригача миқдорда жарима жазоси белгиланади. Маъмурий жазо чораси қўлланганлиги ташкилотларни ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўқсинликсиз кириши, транспортдан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўқсинликсиз

Фарҳад ОМОНОВ,
Қарши шаҳар прокурори

фойдаланиши учун шaroитлар яратиш бўйича талабларни баҳармидан озод этмайди.

Амалдаги мазкур қонуннинг 25-моддасида ногиронларни иш билан таъминлаш белгиланган бўлиб, ҳодимларнинг сони йилгирма қилишдан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ҳодимлар сонининг камда уч фоизи миқдориди иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди, дея қайд этилган. Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан шу модданинг иккинчи-еттинчи қисмлари иккинчи-бешинчи қисмлар билан алмаштирилди ва ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-1-модда билан маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Маъмурий жазо чораси қўлланганлиги ташкилотларни ушбу қонуннинг ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларини баҳарми мажбуриятдан озод этмайди.

Жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари

Суд тергов давомида прокурор судланувчига қўйилган айбонни тасдиқловчи далилларни бевосита тақдим этади ва уларни текширишда иштирок этади. Унинг айбдорлигини исботлаб, жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Жиноят туфайли жабрланувчига etkazилган зарарнинг хусусияти ва миқдори жиноят иши бўйича суд муҳокамаида давлат айбловчиси исботлаши лозим (ЖПК 409-моддаси 6-қ.). Жабрланувчининг қарашлари суд муҳокамаида прокурорнингкига мос келмаган тақдирда ҳам прокурор унинг кўрсатмаларини ишончлилик нуктаи назаридан текшириш учун тақдим этган далилларини ҳолисона тадқиқ этиши зарур.

Қўп ҳолларда жабрланувчи ва прокурорнинг қарашлари мос келишини инobatта олиб, прокурор: 1) жиноят ҳодисасининг бор ёки йўқлигини, асосий белгилари, шунингдек айбдор шахсни аниқловчи; 2) жабрланувчининг шахси ва ҳуқуқий ифодаловчи; 3) жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга etkazилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини кўрсатувчи далилларни синчиқлаб текширади.

Ушбу ҳолатларни текширишда энг муҳим далиллардан бири жабрланувчининг кўрсатмаларидир. Жабрланувчининг прокурор мазкур ҳолатларнинг ҳар бири бўйича сўроқ қилиши керак. Бу жабрланувчининг ишнинг бошқа ҳолатлари, масалан, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари ҳақида сўроқ қилиш мумкинлиги, баъзан эса зарурлигини истисно этмайди.

Прокурор далилларни текширишда қатнашиб, суднинг

эътиборини жабрланувчига судланувчининг жиноий ҳаракатлари билан etkazилган зарарнинг хусусияти ва миқдоридан далолат берувчи ҳолатларга қаратади. Масалан, прокурор ашёвий далилларни, шунингдек, жой ва хонани кўздан кечиришда иштирок этиб, суднинг эътиборини жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга, жумладан, жабрланувчининг кийимларидаги қўллаб йиртиқларга қаратишга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар, эксперт ва мутахассисга кўздан кечириш билан боғлиқ саволлар беришга ҳақлидир (ЖПК 444-моддаси).

Прокурор суд мажлисида текширилган, судланувчининг айбини фoш этувчи ва жазосини оғирлаштирувчи, жабрланувчига жисмоний, мулкӣ ва маънавий зарар etkazилганини тасдиқловчи далилларни баҳолаб, судга тарафларнинг музокаралари давомида айбловнинг мазмунига доир фикрини, жиноят қонунини қўллаш ва судланувчига жазо тайинлаш ҳақидаги таклифни билдириб, шу тариқа жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади.

Барча зарур ҳолларда прокурор ўз нутқида судга ашёвий далилларни нима қилиш, хусусан, жабрланувчига унинг мулкӣ бўлган нарсаларни қайтариш ҳақида таклиф беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК қабул қилиниб, кучга кирганидан сўнг давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи олимлар ҳамда амалиётчилар ўртасида қизғин муҳокама қилинди.

Жиноят ҳуқуқида айбловнинг жиноят-процессуал ва моддий-ҳуқуқий маънолари

фарқланади. Жиноят-процессуал маънодаги айблов ваколатли органлар ва шахсларнинг содир этилган жиноят субъектларини фoш этиш, ҳар бирининг айбини исботлаш, уларни жавобгарликка тортиш ҳамда аниқ ифодаланган ҳуқуқий асосларга таянган ва қонунда белгиланган тартибда кечадиган жазони тайинлаш борасидаги муайян процессуал фаолияти сифатида тушунилади.

Моддий-ҳуқуқий маънодаги айблов — иш юзасидан аниқланган ҳамда шахс содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши лозим бўлган жиноятнинг аниқ таркибини исботловчи ва айбланувчига айб сифатида қўйилувчи ижтимоий ҳаффа ва ғайриқонуний фактлар (уларнинг белгилари) мажмуидир.

ЎЗСРнинг 1960 йилдаги ЖПКда ишлатилган "айблов" тушунчаси қандай маънога эгаллиги изоҳланмаган эди. Ушбу тушунчанинг ўзи анча мураккаб. Страсбург шаҳридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди "айблов" тушунчасини "формал" эмас, балки "мазмунан" тушуниш зарур деган хулосага келди. 1976 йил 8 июндаги Энгель ва бошқалар иши бўйича қарорда қайси ҳуқуқбузарликлар "жиноий айблов"га тааллуқлилигини белгилувчи мезонлар ифодаланган. Суд уларни қуйидагича умумлаштирган:

"Хал эътиҳимиз лозим бўлган биринчи масала — жавобгар давлатнинг ҳуқуқий тизимида ушбу ҳуқуқбузарлик ҳақида сўз юритилган матн жиноят ҳуқуқида киритилган ёки киритилмаганлигини аниқлаш; сўнгра ҳуқуқбузарлиқнинг табиати (хусусияти) ва низоъ, манфаатдор шахсга қўлланиши мумкин

бўлган жазонинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш зарур, буларнинг ҳаммаси 6-модданинг предмети ва мақсади ҳамда унда фойдаланилган терминларнинг одатдаги маъноси нуктаи назаридан бажарилиши керак".

Амалдаги ЖПКда жиноят-процессуал қонунда фойдаланиладиган "айблов" тушунчасининг маъно-мазмуни аниқ белгиланган бўлиши (ЖПК 45-моддаси). Умуман олганда, у Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенцияда ишлатилган "жиноий айблов" тушунчасининг мезонларига мос келади ва моддий-ҳуқуқий маънода қўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда "айблов" тушунчаси бошқа маънога эга эмас ва бошқача қўриб чиқилиши мумкин эмас. Демак, прокурорнинг айбловдан воз кечиши натижасида суд муҳокамаси предметсиз бўлиб қолади, жабрланувчи эса аслида ҳеч нарсани қўватлай олмайди.

Давлат айбловчисининг оммавий ҳамда хусусий-оммавий айблов ишлари бўйича судда иштирок этиши шартлигини белгилувчи ҳуқуқий норма қонун чиқарувчи органнинг прокурор суд муҳокамасида иштирок этишдан воз кеча олмаслиги ва айни вақтда, жабрланувчи айблов функциясини давом эттиришга ҳақли эмаслиги ҳақидаги қарашларини ҳам белгиллаб беради. Айбловни жабрланувчига юклагандан воз кечилиши ушбу тоифадаги ишлар бўйича оммавий ва хусусий манфаатни давлат айбловчиси ҳимоя қилиши билан изоҳланади. Давлатнинг ўзи муайян шахсни жиноят содир этганликда айблашдан воз кечган бўлса, демак, у ушбу вазифани жабрланувчига юклаши

Давлатжон ЭМИНОВ,
Бош прокуратура бошқари
АМИБ катта терговчиси

мумкин эмас. Давлатнинг вазифаси — жабрланувчининг шахсий ишини эмас, балки ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Мамлакатимиз жиноят процессида оммавий айблов иши бўйича битта айбловчи (давлат)ни бошқаси (хусусий айбловчи) билан алмаштиришга йўл қўйилмаган (субституция) бўлиши мумкин эмас. Оммавий айблов бўйича жиноят иши ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, одатда жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларигагина эмас, балки бутун жаҳмиёт манфаатига таҳдид солувчи жиноят ҳақида қўрилади. Шу билан бирга, давлат айбловчиси айбловдан воз кечгани сабабли жиноят иши ёки жиноий таъқиб тўхтатилган тақдирда жабрланувчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини қафолатлаш зарур.

Бундай ёндашув Европа принциплари ва стандартларига мос келган бўлур эди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 13-моддасига мувофиқ конвенцияда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларни бузилган ҳар бир инсон, ҳатто бунинг расмий шахслар содир этган тақдирда ҳам, давлат органи олдида ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг 2000 йил 6 октябрдаги R (2000) Тавсиясига мувофиқ, жабрланувчилар давлат айбловчиларининг таъқибни тўхтатиш ҳақидаги қарорлари устидан судга шикоят қилиш имконига эгадирлар.

Ягона мақсад сари интилиб

Бугун юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад шу жаҳмиёт фуқароларининг турмуш фаровонлигини, юрт равиқини янада ошириш, келажақ учун мустаҳкам замин яратишдан иборатдир. Шу мақсадга эришишда эса тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ва ролини алоҳида таъкиллаш жоиздир. Шу боис ҳам, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларга зарур кўмак беришда прокуратура органлари ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда.

Жумладан, туман прокуратураси томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси, хорижий инвесторларни жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб боришмоқда. Туманда 2013 йилнинг 1 октябр ҳолатига жами 995 та ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритиб келаётган бўлиб, шундан 400 таси фермер ҳўжаликлари, 477 таси кичик ва хусусий корхоналар, 94 таси маъсулияти келганган жаҳмиётлар ҳамда 24 тасини бошқа юридик шахслар ташкил қилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 29 та ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тугатилган. Шундан 19 та ҳўжалик юритувчи субъект вилоят ҳўжалик судининг ажримига асосан банкрот деб эътироф этилиб, туман ҳокимининг қарори билан давлат реестридан чиқарилган ҳамда 10 та ҳўжалик юритувчи субъект Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги 630-сонли Қарорига асосан давлат реестридан чиқарилган.

Шу билан бирга, туманда фаолият кўрсатмаётган 72 та ҳўжалик юритувчи субъектлар мавжуд. Уларнинг фаолияти таҳлил қилинганда, 9 таси ҳозирда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги, 2 таси юзасидан банкрот деб топиш ҳақида ишлар олиб борилаётганлиги, 2 таси диний масжидлар, 2 таси оптималлаштириш ишлари олиб борилаётган фермер ҳўжаликлари, 2 таси умуман ҳисоб рақами очмаган, 38 таси ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги аниқланган. 8 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти қайта тикланган.

Туман прокуратураси томонидан фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари билан олиб боришдан унрашув, тушунтириш ишлари натижасида фаолиятини тўхтатган ва тугатиш арафасида бўлган "Раҳмат" хусусий фирмаси, "Мухлиса асалчи келажаги" хусусий корхонаси ҳамда "Ўстоздалар келажаги" хусусий корхонаси, "Барат" хусусий савдо фирмаси, "Камронбек Акбар орзуси", "Камол Темур орзуси" ҳамда "Электро куч" хусусий корхоналарининг фаолиятлари қайта тикланган.

Шунингдек, "Мухлиса асалчи келажаги" хусусий корхонаси раҳбари Мухлиса Ражабовага ОАТБ "Агро банк" Навбахор туман филиали томонидан 17 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олиб берилиши таъминланди. Туман ҳокимлиги биносида ҳар ҳафтанинг жума кунинда туман ҳокимининг 2009 йил 2 март куниндаги 118-қарорига асосан "Очқ эшиклар кучи" ва "Тадбиркорлар кучи" ўтказилиб келинмоқда. Бу тадбирлар самараси ўларок, йилнинг ўтган даври ичида 16 нафар тадбиркорларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилиб, уларга турли банклар томонидан 45 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланган. Тадбиркорлар мурожаатларининг

Иброҳим БАБАМУРАДОВ,
Навбахор туман прокурори

қабул қилиниши ва ҳал этилишини фаолаштириш чоралари қўрилмоқда. Шу мақсадда туман прокуратурасида ўрнатилган "007" рақамли ишонч телефонига 2013 йил давомида мурожаат этган 6 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланди.

Туман прокуратураси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, йилнинг 3-чораги давомида туман прокуратураси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ва шу соҳага оид меъёрий ҳужжатлар юзасидан жами 8 та тадбир ўтказилиб, шундан матбуотда 2 та, радиода 1 та, телевидениеда 1 та чиқишлар қилинди. Шунингдек, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда тумандаги тадбиркорлар билан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида доимий учрашувлар ўтказилиб келинмоқда.

Маълумки, демократик ўзгаришларнинг қандай бориши инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, қонунларга итоат этилиши ҳамма фуқаролар онги ва билимига боғлиқ. Чунки, қонунлар жамият ва давлат таянчи ҳисобланади. Улар тўла-тўқис бажарилсагина ривожланишга эришилади, адолат қарор топади.

Жамият ва давлат таянчи

Илҳомжон ПАЙЗИЕВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлиmlари ходимлари юрт фаровонлиги ва тараққиёти йўлида хизмат қилмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида асосий эътибор профилактика, қонунчилик тарғиботи ишларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, суиистеъмолчиликлар ҳамда коррупция ҳолатларига барҳам беришга қаратилди. Шунингдек, қонунчиликда таққилланмаган ишлаб чиқариш билан белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётган шахсларни аниқлаб, ноқонуний фаолиятга барҳам бериш, уларни солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тўс бериш, қўшимча иш ўринлари яратиш учун лозим бўлган ҳуқуқий чоралар кўрилди. Натижада ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 82 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, 218 та янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан 13 та жиноят иши кўзгатилиб.

Бундан ташқари, коррупция ҳолатларини аниқлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эркин фаолият юритишга тўқсинлик қилиш ҳолатларини, турли суиистеъмолчиликларни аниқлашга қаратилган тадбирлар давомида 18 нафар ҳокимият, 9 нафар банк ва 28 нафар бошқа илдора ходимлар томонидан 41 та жиноят содир этилганлиги фош этилди. Тамағирлик йўли билан пора олган мансабдор шахсларга нисбатан 3 та жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Мисол учун, департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси, Косонсой ва Янгйқўрган туман бўлиmlари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Косонсой тумани, "Ешлик" ҚФЙ, "Боғишамол" МФЙ раиси Қ.Хамроева 2 ёшгача бола парвариши учун нафақа тайинлаш эвазига фуқаро Н.Абдуқодировдан 150 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтда ушланган. Тадбир давомида МФЙ раисининг ҳонасидан қимёвий ишлов берилган 150 минг сўмдан ташқари, 110 минг сўм пул ва 100 АҚШ доллари ашёвий далили сифатида олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Қ.Хамроевага нисбатан жиноят иши кўзгатилиб ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ҳуфиёна иқтисодийёта қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиши натижасида 37 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 117,8 млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва бошқа ускуналар олинди. Аниқланган ҳолатлар бўйича 37 та жиноят иши кўзгатилиб, Жумладан, департаментнинг Учқўрган туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Қайки ҚФЙ, Файзйобод МФЙда яшовчи фуқаро И.Расулов ўз хонадонидан яширин цех ташкил қилиб, электр тармоғига ўзбосимчалик билан улашиб олгани, пахта чигитидан хонаки усулда ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги аниқланган. Унинг хонадонидаги мойжувоз, 274 кг. кунжара, 190 кг. ёғ, 989 кг. пахта чигити ва ёғ ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Экспертлар томонидан ушбу ёғ маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз, деб топилди. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро И.Расуловга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб ҳамда тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Ҳисобот даврида 79 млрд. 564,1 млн. сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмаси аниқланиб, ушбу ҳолатлар бўйича 55 та жиноят ишлари кўзгатилиб, Жумладан, бошқарманинг Наманган шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишда "Elita Tur Dizayn" МЧЖ раҳбари М.Юсупов 2012 йил якуни бўйича ҳисобот топшираётганда 1608118,3 минг сўм ялпи тушумдан 80405918 минг сўм ягона солиқ ҳисоблагани, ваҳоланки, жамиятнинг ушбу даврданги улгуржи савдо айланмаси 2.184.342 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, 576223,7 минг сўмлик товар айланмасини яшириб, 28.811,1 минг сўмлик ягона солиқни тўлашдан қасддан бўйин товланиши аниқланган. Бундан ташқари, М.Юсупов пул қўчириш йўли билан сотиб олинган 1366392,7 минг сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, савдо пулларини назорат-касса машинасига кириш қилмаган ва банк муассасасига топширмаган. Бу билан савдо қоидаларини жуда кўп микдорда бузган.

Мазкур ҳолат юзасидан МЧЖ раҳбарига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига барҳам беришга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Яъни бу борада аниқланган 3 та ҳуқуқбузарлик юзасидан 2 та жиноят, 1 та маъмурий ишлар кўзгатилиб, 25593,8 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қонунларга қатъий риоя қилинсагина, олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришамиз. Шунинг учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларига тааллуқли тадбирлар, суҳбат ва савол-жавоб кечалари ўтказилиб, матбуот, радиотелевидениеда мунтазам чиқишлар қилинмоқда. Буларнинг натижаси ўларок, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, билими кучайиб, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга ишончлари ортмоқда. Қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятимиз асосини ташкил этар экан, бу борада қатъий билан изчил фаолият олиб бораверамиз.

Савдо майдонига айланган даргоҳлар

Талаба сўзининг луғавий маъноси "қўнт билан ўқиш" деган мазмунга бориб тақалади. Дарҳақиқат, бирон-бир касбни эгаллаш учун мунтазам ўқиш, ўрганиш зарур. Аммо баъзи талабалар ўз зиммаларидаги бурч ва масъулиятни унутиб қўйишади. Бу "олтин давр"нинг машаққатли томонларидан қочган талабага бориб-бориб, семестр охирида ўз "қилишиш" учун жавоб беришга тўғри келади. Бундай ҳолатдан эса айрим ўқитувчилар фойдаланиб, талабанинг "қўнглига" қараб ёхуд нафсининг қўйига ўйнаб, хатога йўл қўйишади.

М.Султонов бир неча йиллардан буён олий таълим муассасида ишлайди. Меҳнатлари самараси ўларок, доцент унвонига ҳам мушарраф бўлган. Аммо ўтган ўқув йилида содир этган қилмиши сабаб, домланинг обрў-эътиборига анчайин путур етди.

4-курсга ўтган Акмал Аббасов ўқишга келмай қўйди. М.Султоновнинг 9 соат дарсини қолдирган талаба имтиҳонга киритилмагандан сўнггина хушёр тортиб, ўқитувчининг олдида югурди. Табиийки, устоз унга қолдирилган дарсларни қайта топшириши кераклигини айтди. — Менга қара, Аббасов, семинар дафтарларни ёзасан. Реферат топширасан, ҳамма қатори мустақил ишни тайёрлайсан. Ундан кейин марҳамат, қайта топшириш ҳақидаги рухсатноманга имзо қўяман.

Талабанинг бунча вазифани эшитиб, эринчоқликдан энаси қотди. "Қачон улгурман, шунча нарсалар, яхшии домла билан келишиб қўя қолай", деган фикр билан гап бошлади:

— Устоз, мен ишлаб ўқийман, бунча нарсани бажаришга вақтим бўлмайди, ёрдам беринг, хизматга тайёрман...

Бу талабадан шундай жавоб бўлишини тахмин қилган домла "қандай бўлмасин шу фанни ўзлаштиришга ҳаракат қилишинг керак. Талабалик бурчингни ўтаб, айтилган вазифаларни бажариб кел", деб уни қайта ўқишга ундади. Нафс кўткусини енголмаган домла унга хизмат нархи 50 минг сўм эканлиги

ҳақида шама қилди. Савдоси пишган талаба "бўлди, гап йўқ", дея ўқитувчининг ёнидан чиқди. Аммо бир ҳафтача вақт ўтса ҳамки, талаба нахизматни ўнглади ва на фанни ўзлаштириб топширди. Бирок баҳоси қўйилмагани боис, талаба яна домла билан учрашишга мажбур бўлди. Бу сафар улар таълим жараёнини ҳақиқий савдо майдонига айлантиришди. Акмал шаероити оғирлигини пеш қилса, домла берилган вазифаларнинг ва имзосининг қийматини рўқач қилди.

Нихоят, Султонов унга иккита телефон рақами бериб, "мана шу рақамларга пул ташла", дея буюрди. Талаба домласининг истагини баҳариб, унга тўрт донга тўлов картчаси-ю, 10 минг сўм пул тутқазди. Ўз наватидида Султонов ҳам унинг рухсатномасини бажонидил тўлдириб берди. Шу тарика талаба имтиҳонга киришни уддалади.

Бирок доцент Султоновнинг телефони учун келган тўлов картчоқалар унга ниҳоятда қимматга тушди. Сабаби қонун ҳимоячилари М.Султоновни жиноят содир этган жойда қўлга олишди. Ўзоқ йиллар университетда ишлаб, ўзига яраша обрў-эътиборга, илм-фан оламида ўз айтир сўзига эга бўлган, нафақа ёшига етиб, шунча йиллик меҳнатларининг ҳузурини кўрадиған ёшида М.Султоновнинг бу вазиятдаги ҳолати ниҳоятда анғили бўлди...

Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг агрономия факультетидида ҳам шу каби хунук воқеа юз берди. Талаба Шўҳрат Бойпўлатов ёзги

Акмал САФАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Самарқанд шаҳар бўлими катта
инспектори

амалиётни Оқдарёда ўтказиб, уйига таътилга кетди. Сентабрда эндигина ўқиш бошланганди, ёзги амалиёт раҳбари — декан ўринбосари Дилшод Жўманов уни қачиртирди:

— Қарзингни қачон берасан? — дея сўради у Шўҳратдан.

— Қанақа қарз? — ҳайрон бўлди талаба.

— Ёзги амалиётингни мен ёғдим, ахир. Ёвазига 50 минг сўм беришинг керак.

Шўҳрат ҳозир ёнида пул йўқлигини айтган эди, декан ўринбосари уни ортқ қисмат бўтирмади.

Орадан бир неча ой ўтди. Шўҳрат қишки семестр имтиҳонларининг иккитасидан йиқилди. У ёрдам сўраб, Дилшод Жўмановга учрашди.

— Ана, келаркансан-ку, ўтган гал қарзингни ҳам бермадинг. Ҳўш, иккита фандан йиқилган бўлсанг, нариш олиб кетади-ку, "студент", — истеҳзали кулмисиради домла.

— Майли, нима бўлсам, илтимос, ёрдам қилинг. Бу кетишда ўқишдан ҳайдалиб кетаман.

— Унда иккита фанга 100 минг сўмдан 200 минг сўм, олдинги қарзинг билан жами 250 минг сўм олиб кел.

Домланинг тамағирлигидан аччиланган Шўҳрат бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза ёзди. Ўтказилган махсус тадбирда декан ўринбосари Дилшод Жўманов талаба Шўҳрат Бойпўлатовдан 200 минг сўмни пора сифатида олаётганида ашёвий далил билан ушланди...

Нима дейиш мумкин?! Агар жамият аъзолари ўз масъулияти ва вазифаларини тўғри англаб бажарсалар, бурчларига виждонан ёндашсалар эди, мана шунга ўхшаш хунук воқеалар содир бўлмасмики?..

Оларда кирар жоним...

Баъзи тадбиркорлар борки, ўзлари ташкил этиб, фаолиятини дурустгина ишга қўйиб олган яхшигина фирмаларини, унинг ортқан топаётган ризқларини биллатириб, йўқ қилашади. Бундайларга нисбатан ҳаққимизда "беш панжасини озгиза тикибди-ла", дейишади. Дарҳақиқат, бу бежиз айтилмаган. Чунки, айрим кимсалар қонуний ишлаб яшашлари учун етарли имкониятга эга бўлсалар-ла, ноқонуний йўлга киришни ҳам қўнглилари тусаб қолади. Оқибатда эса...

Ана шундай тадбиркорлардан бири Нарзулла Иномов (исм-фамилияси ўзгартирилган) 2008 йилда Тошкент вилоятининг Паркент туман ҳокимияти "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси" томонидан тегишли рухсатнома олиб, фирма очган ва ишини яхшигина йўлга қўйиб олган эди. Аммо нафсининг йўриғига юрди-ю, оқибатда суднинг қора курсисидан жой олди. Аслида унинг фирмаси аҳолига автомобилларда йўловчи ташуш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланиб келарди. Бизга маълумки, бундай хизматдан асосан нақд пул тушади.

Хуллас, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан фирмага 2009 йилда 300 млн. 228

Махсуд ҒУЛОМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Бектемир туман бўлими катта сурштирувчиси

минг, 2010 йилда 310 млн. 608 минг, 2011 йилда 294 млн. 217 минг, 2012 йилда 368 млн. 940 минг ҳамда жорий йилнинг биринчи ярмига қадар 213 млн. 840 минг сўм маблағ келиб тушади. Лекин Н.Иномов бу пулларнинг ҳаммасини инкасса қилиб, банкка топширишни хоҳламайди. Бир томондан катта маблағларни ўзлаштирган бўлса, иккинчи томондан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди. У фаолият кўрсатган йилларда жами 445 млн. 971 минг сўмдан ортқ пуллар банкка тегишли тартибда топширилмай, 96 млн. 494 минг 889 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмайди жамият ва давлат манфаатларига кўп микдорда зарар етказилади.

Жиноят жазосиз қолмайди, деганларидек, Н.Иномовнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судида қўриб чиқилиб, айбдорга нисбатан ҳукм ўқилди. Н.Иномов бир йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Миллий ҳунармандчилигимиз бардавом



Раҳматин бувим ҳовли четилаги сўрида, маҳалладаги уч-тўрт аёл қўршовида гурунглашган кўйи кашта тикиб ўтирардилар. Чамаси, ўшанда кўзлари яхши кўрмас, катта кўзойнаклари бўлишига қарамай, игнага ип ўтказиб беришни доим биз — набираларидан сўрардилар. Баъзида ўйинқароқлик қилиб қочиб қолсак, беозор койинардилар:

— Ҳай, бунақа қилиб юргандан кўра, келиб кашта тикишни ўргансанглар бўлаймики-а? Ҳунар — ҳунардан унар, боаларим. Шу ишнинг этагидан тутганлар ҳали кам бўлгани йўқ...

У кишининг яна бир одатлари бор эди. Маҳаллада ким қиз узатса, тўйдан икки-уч кун олдин қўлда тикилган белбоғ, чойшаб билан тўй эгаларини "йўқлардилар".

— Келингина, ўтганимдан кейин мени эслаб юрар... — дердилар маҳзун қулганча.

Баъзида эса қизи бўйга етиб қолган ҳамқишлоқларим "сеп" учун латта-путталарни кўтариб келишарди:

— Зайнаб хола, қизимнинг "палаги", "қўша белбоғи" сизнинг қўлингиздан ўтсин, дейдим... Каштани жуда текис, чиройли тикасиз, шунинг учун бошқага тиктиргим келмади...

Бувимга шу гапнинг ўзи етарди. Ҳеч фурсат ўтмай, ишга тушиб кетарди. Энг ажабланишли, у киши чойшаб, белбоғ нахшларини аввалдан қизиб олмас, биратўла тикиб кетаверардилар.

Бугун ҳам бувим тиккан "палак", "қўша белбоғ"лар ҳамқишлоқларимнинг сандиги, деворларини безаб турибди...

— Уйимиздан бувингнинг иси келиб тургандек бўлади, — дейишди ёши катта маҳалладошларим шу мавзуда гап очилиб қолса.

Ажаб, ўша кезларда ҳам дам пинҳона, дам ошқора миллий ҳунармандчилигимиз, анъаналаримиз турли кўринишларда бўй қўрсатиб турган экан-да?!

Шукри, истиқлолга эришганимиздан кейин юртимизда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик вакиллари алоҳида эҳтиром кўрсатила бошланди. "Ҳунармандлар дийори" номини олган Наманган вилоятидаги иқтидор эгалари қўлида сайқал толган атласу адрас, дўппи ва совғабоп пичоқлар, ипак кашта ҳамда нахшкор кулолчилик буюмларининг кадру қиммати янада ошди.

Қайд этиш жоизки, вилоятимизнинг Наманган шаҳри ва Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой туманларининг каштачилик, дўппидўзлик, пичоқчилик, темирчилик, қосибчилик, тўқувчилик, ёғочга қайта ишлов бериш каби қадимий ҳунармандчилик мактаблари минг йилликларга тенг анъаналари билан жуда машҳур ва улар миллий маданиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутиб келаётир. Бугун ушбу ҳунарманд-тадбиркорлар юртимизда яратилаётган кенг имкониятлардан руҳланиб, бундай мактабларни қайтадан тиклаб, халқимиз эъозлаган анъаналарни давом эттиришмоқда. Жумладан, ҳунарни санъатга уйғунлаштирган 875 нафар ҳамюртимиз "Ҳунарманд" уюшмасига бирлашиб, қадимий касбларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Улар томонидан ҳунармандчиликнинг ўнлаб

йўналишларида мингдан ортиқ турда тайёрланаётган кенг қўламдаги истеъмол моллари ва совғабоп буюмларга талаб юқори. Миллий ҳунармандчиликнинг сир-асрорлари ва анъаналарини ўрганиш мақсадида жойларда 83 та "Уста-шогирд" мактаблари ташкил этилиб, уларга 378 нафар ёш йигит-қизлар жалб этилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмағида ёшларни ҳунарга йўллаш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришга мўлжалланган тадбирлар ташкил қилинапти. Биргина 2012 йилнинг ўзида уюшма аъзоларидан 12 нафарига 40 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

"Обод турмуш йили"да ҳунармандчилик йўлини танлаган ёшларнинг иқтидорини рўйбга чиқариш, уларнинг истикболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилди. Бу улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотувини ташкил этиш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, ҳунармандларнинг экспортга чиқишига кўмаклашиш сингари масалаларда ўз ифодасини топаётир.

Дарвоқе, "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бўлими вилоят сайёҳлик тизимини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб

келмоқда. Чет эллик меҳмонларни вилоятнинг диққатга сазовор тарихий, маданий жойлари билан таништириш бўйича ишлаб чиқилган туристик манзиллар рўйхатида халқ амалий санъати ва бадий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам киритилган. Жумладан, вилоятга келган хорижлик сайёҳлар Наманган шаҳрида миллий каштачилик бўйича изланаётган Латифжон Садриддинов, ёғоч наққоши — "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" Маҳмуджон Жўраев, миллий матолар тўқувчиси Латифжон Аҳмаджонов, Поп туманида Ғурумсарой кулолчилик мактаби анъаналарини давом эттираётган, "Ташаббус-2011" кўрик-танлови республика босқичи ғолиби Ваҳобжон Буваев, Чуст миллий пичоқчилик мактабининг вакили Раҳим Убайдуллаев, Чуст дўппичилиги анъаналарининг давомчиси Мухаббат Ҳайдарова, Тўрақўрғон туманида миллий либослар тикаётган Хуришда Ҳайитбоева, қосонсойлик ёғоч сувенирлар устаси Абдуғаффор Мўминов, бешиксоз Улугбек Абдужаббаров каби кўплаб ҳунармандларнинг устасоналарида бўлиб, ўзбек халқ амалий санъати ва бадий ҳунармандчилиги тўғрисида етарлича таассуротга эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, вилоят бадий ҳунармандлари "Мустақиллик нафасидан камол топган ҳунармандлар", "Қўли гулдир ўзбек аёлини" каби кўргазма-савдоларида ҳам фаол иштирок этиб, амалий санъат ихлосмандларининг эътирофларига сазовор бўлиб келмоқдалар.

Шулардан бири — унутилиб кетаётган попопчилик ҳунарини қайта тиклашга астойдил бел боғлаган ёш, иқтидорли тадбиркор Хуришда Ҳайитбоевадир. У миллий либосларни замонавий кўриниш ва бичимдаги турларига попоп услубида кашта тикиш орқали безаб,

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

ўзига хос йўналишга эга бўлди. Ўз устида тинимсиз изланади, янгиликларни ўрганишдан толмайди. Серкўёш заминимизнинг барча ҳудудларидаги тенгдошлари-қасбдошларининг фаолияти, ижоди билан танишишга, малака алмашишга интилади. Бухоро шаҳрида ўтказилган "Ипак ва зирavorлар" халқаро фестивалида ва бошқа тадбирларда попопчилик анъаналари асосида ўзи яратган миллий либослари билан муваффақиятли иштирок этди.

Ҳа, ёшларимиз орасида Хуришда сингари замонавийлиқни миллийликка йўғрилган ҳолда эъозлашга интилаётгани жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиш мумкин. Энг асосийси, улар қалбида Ватан ишқи, юрт истикболига қамарбасталик руҳи мужассам.

Қайси кун бекатда турсам, 5-6 ёшлардаги қизалоқ онасига бир нималарни тўлиб-тошиб тушунтирарпти. Унинг ҳажжони эътиборимни тортди чоғи, икхтиёр гапларига қўлоқ тутдим.

— Менга "фата қўйлақ" керак эмас, атласдан тиктириб берасиз, — дерди у қайсарлик билан. — Боғча опам айтдилар, "ҳамма миллий кийимда рақс тушади", деб... "Дўппи тикдим"ни айтган қўшиқчи ҳам атлас кийган-ку!.. Мен ҳам ўша қўшиқни айтаман...

Қизча яна нималарнидир гапирди. Ониси жилмайганча, унинг гапларини тасдиқларди.

Боғча опалар болаларга гўдаклигиданок миллийликни сингдиришса, қўшиқчиларимиз либосларида ҳам миллийлик уфуриб турса, ёшлар улардан андоза олса, ҳунар ўрганишга ўзида рағбат топса, минг асрлардан буён авлоддан-авлодга мерос ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз бардавомлиги аниқ-аниқ кўриниб келсин.

Ёшлар масаласи доимий эътиборда

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини дарс машғулотларига тўлиқ жалб қилиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Марказий банк, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" ҳамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда иш бевуви ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят прокурори Б.Дехқонов сўзга чиқиб, йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари томонидан касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини ўқув ва дарс машғулотларига жалб қилиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 650 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилганлиги, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи қатъий ҳал қилинганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда коллеж ўқувчиларининг дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишлари ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган коллеж директорлари ва ота-оналарнинг жавобгарлиги масаласи қатъий ҳал этилиши хусусида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари мавжуд камчиликларни бартараф этиш, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида фикр ва мулоҳазалар билдиришди.

Мажлисда ёшлар орасида таълим-попабрия савиясини ошириш, уларнинг одам савдоси қурбони бўлиб қолмасликлари йўналтирилган чоралар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини янада оширишга қаратилган қарор қабул қилиниб, ижро учун тегишли идораларга юборилди.

Имконияти чекланган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадами Фарғона шаҳрида республика болалар ижтимоий мослашув марказининг минтақавий филиали фаолият кўрсата бошлади.

Фарғонада болалар маркази

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фарийиси

Марказнинг очилишида иштирок этган тегишли ва-зирликлар ва идоралар раҳбарлари Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод-ни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлашди.

Янги иш бошлаган минтақавий филиал Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ҳимояга муҳтож болаларга мажмуавий ижтимоий педагогик, дефектологик, логопедик, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатади.

— Болалар ижтимоий мослашув марказимиз барча замонавий жиҳозлар билан беками-қўст таъминланган, — дейди минтақавий марказ раҳбари Барно Исмоилова. — Болаларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, уларда ижобий ўзгаришларни шакллантириш бўйича барча ходимларимиз етарли малака ва тажрибага эга. Бу эса ўз навбатида, уларни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Болаларнинг бахтли ҳаёт кечириши, замонавий таълим олиши учун қўлай шароит яратиш борасида бутун куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

Фирибгарнинг тузоғи

Истиқлол йилларида она заминимиз, муқаддас туپроғимизни асраб-авайлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор жиҳатларидан бирига айланган. Ердан оқилана ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда турар жойлар қуриш учун ер ажратиш меъёrlари ўзгарди. Энциклопедиялар фойдаланилмаётган майдонлардан фақат ва фақат аукцион орқали ажратилади. Буни кўпчилик яхши билади. Шундай бўлса-да, соддалигимизга борибми ёки қонуларни яхши тушунамаслик оқибатиданми, қандайдир йўллар билан ер участкасига эга бўлиш мумкин, деб ҳисобловчилар ҳам топилиб туради. Бунайсир фирибгарлар учун ўлжага айланганликларини афсуски, кеч англашди.

Ўтган йил ёз кунларининг бири эди. Қўшимча томорқасидаги экинларни озиклантириш учун борган Нўкулжон опа ернинг ярми туپроқ билан кўтарилганлигини қўриб, хангу манг бўлиб қолди. Шу яқин ўртада яшовчилардан бу туپроқни ҳамқишлоғи Амина опа кўтартирилганлигини билган, унинг уйига бориб, суриштириш бошлади. Амина опадан туман архитектурасидан келиб, қозик қоқиб беришгани, шундан кейин туپроқни уй қуриш мақсадида кўтартирилганини эшитиб, уйига қандай етиб келганини ҳам билмай қолди.

Аммо эртаси куни ўзини "туман архитектура бўлимидан ишлайман, исми Хайрулла" деб таништирган йигит жонига оро киргандай бўлди. Архитектор томорқа ерларини бошқа жойга кўчиришадиганлигини айтди.

— Биз ҳам қишлоқ фуқаролар йиғинига ўй қуриш учун ер ажратишни сўраб, ариза бериб қўйибмиз. Бизга ҳам ер олиб бering, — дея мурожаат қилди Нўкулжон опа.

— Бу масала аллақачон ҳал бўлган. Сизга 600 метр квадрат ер таллаб қўйибмиз. Фақат қозик қоқиб беришим

учун 275 минг сўм тўлайсиз. Жой ўрни-ни ўғлингизнинг номига олмоқчимисиз? Унда унинг паспорт нусхасини бериб юборинг.

Хайрулланинг бу сўзлари аёлни хурсанд қилди. Дарров ўғли Жасурнинг паспортидан нусха олиб, йигитнинг қўлига тутказди.

Хайрулла эртаси куни келиб, айтилган пулни тўлаган-тўламаганлигини сўради.

— Болам, шу туман марказига боришга ҳеч имкон тополмапман. Илоҳи бўлса, ўзинг тўлаб, квитанциясини келтириб берсанг.

Хайрулла бу таклифга дарров рози бўлганлигини олижанобликка йўлган онахон, айтилган пулни унинг қўлига қўшқўллаб топширди. Кўп ўтмай Хайрулла ер ҳужжатларини, яна қарор, далолатнома ва планни бериб, қурилишни бошлаш мумкинлигини айтди. Оила аъзолари уни дуо қилганча, ишга киришдилар. Бирок... туман архитектура бўлими ходими Баҳодир Нурметов келиб, сизлар ноқонуний иш бошлаб-сиз, деганида қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолдилар.



Мансурбек МАТКАРИМОВ,
Янгибозор туман прокурори

Кейинчалик маълум бўлишича, Хайрулланинг алдовига учган фақат Нўкулжон опа эмас экан. Хайрулла Ваисов шериги Ўрозмат Нурметов билан мўмай даромад қилишнинг режасини тузишди. Фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига алдов ва фирибгарлик йўли билан тезда бойиб кетишга қарор қилишди. Х.Ваисов бундай фаолиятни ўз қариндоши Фарҳод Ражабовни алдаш орқали синовдан ўтказган эди. Унга Боголон қишлоғи худудидан яқка тартибда турар жой қуриш учун 600 метр квадрат бўлган иккита ер участкаси ажратиб беришни ваъда қилиб, аввалига 7 млн., кейинроқ 200 АҚШ долларини қўлга киритади. Ўрозмат Нурметовнинг ўзи ҳам унинг алдовига учиб, 3 100 АҚШ долларини қўшқўллаб топширган камдай, ер олишга иштиёқманд фуқароларни топиб, пулларини олишга кўмаклашиб юборади. Шу тариқа фирибгарлар 20 нафарга яқин фуқарони алдаб, катта миқдордаги пулларини олишга муваффақ бўлишди. Бу фуқароларга ту-

ман ҳокимининг турли йилларда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ўрни ажратиш ҳақидаги қарорларини компьютерда қалбакилаштириб, такроран сохталаштириб тайёрланган нусхаларини тақдим қилиб, сувдан қуруқ чиқишга уринишди.

Кейинчалик қонун ҳимоячилари Х.Ваисовнинг яна бир қилмишини фош этишди. Маълум бўлишича, у "Ваисов Хайрулла" хусусий қорхонаси раҳбари сифатидаги фаолияти давомида 87 млн. сўмликдан зиёд газламаларни нақд пулга сотиб, уларни НКМдан ўтказмаган, банкдаги ҳисоб рақамига топширмаган ва ДСГА топширган ҳисоботларига киритмаган.

Хайрулла Ваисов ва Ўрозмат Нурметовнинг жиноий қилмишларига қонун ҳимоячилари томонидан чек қўйилди. Улар суд ҳукмига кўра қилмишларига яраша жазо олдилар.

Нафрсининг тўрига илинди

Дастанбек терговдаги каби суд мажлисида ўттиз уч ёшга кирган, Республика Давлат солиқ қўмитасининг Фарғона вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими собиқ бош суриштирувчиси Жасурбек Азизов айбига иқдор бўлиб, кўрсатма беран.

Зоҳиджон МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

декабрь куни дўконда ДСИда ишлайдиган тўрт нафар ходимлар қисқа муддатли текшириш ўтказишди. Улар келгунларича электр ўчиб қолгани учун 30 минг сўмча савдо пули назорат-касса машинасидан ўтмай қолган эди. Солиқ ходимлари 5 млн. 208 минг сўмлик кийим-кечаклар ҳужжатсиз товарлигини айтиб, расмийлаштириб, олиб қўйишди. Ҳужжатлар билан вилоят бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимининг бош суриштирувчиси Жасур ака шуғулланади, дейишди. Орадан икки-уч кун ўтиб, шаҳар солиқ идорасига бориб, Ж.Азизовга учрашдим. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пойфазалларнинг ҳужжатларини кўрсатсам, бу ҳужжат ўтмайди, деди. Товарларни қайтариб беришни сўрадим. У товарлар барибир мусодара бўлади, 200 доллар бермасангиз, жиноят иши кўзгатаман, деб пўписа қилди. Ҳозир бунча пулим йўқ, дўконни очишга рухсат берсангиз, бир ой ичиде бераман, дедим. У рози бўлди. 1 февраль куни Ж.Азизов телефонда чакирди. 200 доллар олиб келинг, деди. Унга учраб, 150 доллар бор, холос. Қолган 50 долларини кейин бераман, дедим...

Шу тариқа судланувчининг айби тўқис исботланди, унга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Тадбиркорни қўрқитиб шилиб олмоқчи бўлган тамагир нафсининг тўрига илиниб, охир-оқибат панжара ортига равона бўлди.

— Хизмат вазифам, назорат шўъбаси ходимлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки Жиноят кодексига асосан тўғри малакалаб, жиноий ва маъмурий ишларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборишдан иборат эди, — дейди судланувчи. — 2012 йилнинг 18 декабрь куни яқка тартибда тадбиркор Б.Мамажоновнинг Фарғона шаҳар Савдо мажмуасидаги дўкони текширилган. 23 декабрь куни текшириш ҳужжатларини иш юритувчимга қабул қилиб олганман. Ҳужжатларни текшириш чоғида олинган махсусотлар арзон нархда баҳолаганим, баённома расмийлаштирилгани кўзга ташланди. Қайта баҳолаганса, энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан ортиб кетиши, жиноят иши кўзгатишга асос бўлиши мумкинлигини биллиб, Б.Мамажоновга телефон қилдим. У етиб келди. Қўлида яна икки киши ишлашини, оливайи шароити оғирлигини, ягона бокучилигини, кекса ота-онаси ҳам қарамоғидалигини айтиб, ёрдам беришни сўради. Орадан ўн кун ўтгач, Б.Мамажоновнинг таклифига рози бўлиб, унинг бир ўзи маъмурий жавобгарликка тортилиши, товарлар арзонроқ баҳолашнинг учун баҳоловчига 200 доллар бериш кераклигини айтдим: У бир ой ишлаб туришига рухсат беришни сўради. 2013 йил январь ойи охирида маъмурий

жавобгарликка оид иш материалларини жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судига топширдим. Суд томонидан товарлар мусодара қилиниб, тадбиркор маъмурий жавобгарликка тортилди. 2 февраль куни у телефон қилди ва 150 доллардан бошқа пули йўқлигини айтиб, хизмат хонамга етиб келди. Шароити оғирлигини, бошқа берибмаслигини айтиб, иш столидига Жиноят кодекси ичига пулни солиб, чиқиб кетди...

Шундан сўнг холислар билан хонага кириб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига Ж.Азизов "пора" ёзуви битилган пулни олиб беради. Б.Мамажонов шароити оғирлигини айтиб, илтимос қилгани учун баҳоловчи Ш.Пўлатовдан тахминан 8 млн. сўмлик товарларни арзонроқ баҳолаб беришни сўрагани, у 4 млн. 600 минг сўмга баҳолагани, бундан ҳеч қандай манфаатдор бўлмагани таъкидлади.

Суд мажлисида Ж.Азизов мансаб мавқеидан фойдаланиб, тамагирлик йўли билан пора олиш жиноятини содир этгани ўзининг иқдорлигини ташқари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан тасдиқланди.

— 2012 йил сентябрь ойида давлат рўйхатидан ўтиб, гувоҳнома олганман, — дейди гувоҳ Б.Мамажонов. — Ҳар ойда паент асосида белгиланган қатъий ставкада солиқларни тўлаб борганман. Ўтган йил 18

Пойтахтнинг чекка туманларидан бирида жойлашган кафеинг четидоги столи эгалаб, официант қиз билан чақ-чақлашиб ўтирган йигитдан бўлак хўранда йўқ эди. Кўп ўтмай бир йигит кириб келди ва пиво буюрди. Қиз унга хизмат кўрсатгач, танишининг ёнига қайтди.

Касофат

Фарҳод ПЎЛАТОВ,

Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Бир маҳал кафедра яна бир йигит пайдо бўлди. Кириш эшиги ёнига ўтириб, ароққа бюртма берди. Ароқни ичиб бўлиб, ташқарига чиқди, кираверишдаги кабобпаздан кабоб олиб, газак қилди-да, яна ичкарига кирди. Официантни чакирди, яна ароқ буюрди. Стаканни бўшатгач, атрофга разм солди. Бу пайда официант ўзи билан сўхбатлашиб ўтирган йигитга "бўлди, бошқа ичманг!" дер, йигит бўлса еган нарсаси учун тўлашга пули йўқлигини айтди.

Ароқнинг таъсирими ё кайфияти йўқимди, хуллас, учинчи бўлиб кирган йигит уларнинг гапларига қулоқ сола бошлади. Тўсданан жаҳли чиқди, шитоб билан ўрнидан туриб, қиз билан тортишадиган йигитга юзланди:

— Ҳа, укам! Учта қиз билан кафедра ўтириб, пулинг тугаб, қизлар сени гаровга қолдириб кетишдибми?

Йигит бу одам ҳазил қилаётибди, деб ўйлаб, ўзи ҳам ҳазил билан жавоб қайтарди:

— Йўқ, учта эмас, тўртта қиз билан ўтирдим. Пулим тугаб қолди. Пулингиз бўлса, тўлаб юборинг...

— Ие, нега сен еганинг учун мен пул тўлашим керак? Пулинг йўқ бўлса, нима қилсан кафедра ўтириб?

— Унда нега бунақа гап қилаёсан, ака?

У бир ўкрайди-да, ташқарига йўл олди. Шошганидан пиво сиғириб ўтирган хўранданнинг оёғини босиб олди, у нимадир, деб тўнгиллади. Узр сўраб-сўрамас, деярли югуриб чиқиб кетди. Боя чакаверишда кабоб кўраси турганини қайд этган эдик. Аксига олиб, кабобпаз қаергадир кетган экан. Йигитнинг кўзи столда ётган пичоққа тушди. Олиб, ичкарига кирди. Ҳе йўқ-бе йўқ, пиво ичиб ўтирган йигитнинг бўйнига пичоқ санчди. У "вой-войлаганча" бўйини ушлаб, букчайиб қолди. Қутилмаган воқеадан саросимага тушиб қолган официант қиз билан ўтирган йигит ўзларига келмасларидан зўравон энди ҳамрога ташланди. Йигит олдидаги столини кўтариб, ўзини химоя қилмоқчи бўлди, аммо удалай олмади. Пичоқ ушлаган қўли уни аяб ўтирмади. У кўрагини чангаллаганча ерга йиқилди...

Кўп ўтмай, бир йигитнинг умрига зомин бўлиб, иккинчисининг оғир жароҳат олишига сабабчи бўлган қотил ушланди. Маълум бўлишича, у илгари ҳам жиноят содир этиб, судланган, Тошкент вилоятида тутилган Зоир Бердиқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) экан. Ушанда судланиб, жазонинг маълум қисmini ўтаб, кейинчалик амнистия актига биноан жазодан озод этилган З.Бердиқуловга бу сафар суднинг ҳукми билан 19 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Мурожаат учун телефонлар: 370-56-44, 281-92-52

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 7 январда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат улушини сотиб олишга таклиф этади.

Улушни сотиб олиш шартлари куйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
 - ушбу "Улуш" учун қўшимча энг юқори инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
 - янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
 - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.
- Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объект бошланғич нарҳининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
 - таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки

нускада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 7 январь кuni соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16-А уй манзилида ўтказилади. Ушбу кuni савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 14, 21, 28 январь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16-А уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат улуши

№	Объект номи	Бино ва ишхоналар майдон (кв.м.)	Объектнинг мақсади	Балансда сакловчи	ПК/ВМК	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	"Тошкентмуналатташмунот" МЧК	48 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чашма кўчаси, 3-уй	"Тошкентмуналатташмунот" МЧК	25.04.2013 ПК-1743	1 395 169 600,00	— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; — ушбу улуш учун энг юқори қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; — янги иш ўринларини ташкил этиш; — харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишга қасска муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	— ушбу улуш учун энг юқори қўшимча инвестиция киритишга қасска муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)

Хизматлар лицензияланган

Давлат-тижорат Халқ банки Қорақалпоғистон филиали

Ҳамкорлик ва самарадорлик: янгича ёндашув ҳамда ютуқлар

Мамлакатимиз молия-банк тизимида Давлат-тижорат Халқ банкнинг Ўзига ҳос ўрни бор. Айниқса, кейинги йилларда мазкур молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, миқдорлар билан ишлаш тажрибаси тобора яхшиланиб бораётгани унинг нуфузи ва мавқеини оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Бу жараён, табиийки, ҳар бир корхона ва ташкилот зиммасига катта масъулият юклай, уни ташаббускорлик билан ишлашга ундамоқда. Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда республика-мизда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этаётир. Янгиликлар сари интилиб, тизим ривожига ўзининг муносиб улушини қўшаётти.

Бунга ўзининг истиқболли лойиҳалари билан Давлат-тижорат Халқ банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалидан кредит олиб, хорижий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркор ҳамда бошқа йўналишдаги кичик бизнес субъектлари яққол мисол бўла олади.

— Менинг тадбиркорлик фаолиятимни тўла йўлга қўйиб олишимда энг ишончли ҳамкорим ва кўмакдошим — Халқ банки бўлади, — дейди Элла-кальа туманидаги "Нодирбек" МЧЖ корхонаси раҳбари Фуфур Сатимов. — Банкдан олган 150 миллион сўмга темир-бетон қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган технология сотиб олиб, шу йўналишга ихтисослашган корхонамни ташкил қилдим. Ҳозирда замонавий қурилишларда ишлатиладиган 5 турдаги темир-бетон материалларини ишлаб чиқармоқдамиз. Корхонамизда 10 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Келгусида банк кўмагида маҳсулот турини яна 9 тага кўпайтириб, хорижга экспорт қилиш ниятимиз ҳам бор.

Агар бу борадаги амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, хусусан, 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Халқ банкнинг Қорақалпоғистон филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 24,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

— Мен оҳақ ишлаб чиқаришга мўлжаллаган корхонамни йўлга қўйиш учун бизнес-режама асосида кредит олиш мақсадида бир нечта молия муассасаларига мурожаат қилдим. Улар орасида Халқ банки ходимлари бизнес-режами тез фурсатларда қўриб чиқиб, кредит ажратишга қарор қилганлигиндан хурсанд бўлиб кетдим, — дейди "Идеал саноат савдо" МЧЖ раҳбари Шароф Ёқубов. — Кредит олишга ҳужжатларимни тахт қилганимдан сўнг банк ходимлари расмийлаштириб, менга 200 миллион сўм кредит ажратди. Бу маблағ эвазига оҳақ маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олдим. Ушбу ускунани ўрна-

тиб, оҳақ ишлаб чиқариш корхонамни йўлга қўйдим. Ҳозирда бу ерда буюртма асосида сифатли оҳақ маҳсулотлари ишлаб чиқариб сотмоқдамиз. Энг муҳими, 9 та янги иш ўрни ҳам яратилди. Шунинг 4 нафари касб-хунар коллежини битирган ёшлардир. Кредитни қайтарганимдан сўнг, келгусида яна Халқ банки билан ҳамкорликда корхонам фаолиятини, албатта, кенгайтираман.

Бугун аёлларимиз ҳам ҳар соҳада эр-какларимиздан қолшмайдиган даражада меҳнат қилишмоқда. Қорақалпоғистонда ҳам тинимсиз изланишлари ва меҳнати эвазига тадбиркорлик билан оёру топаётган аёллар талайгина. Уларнинг кўпчилиги Халқ банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

— Мен энг аввало, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларга кенг йўл очилиб, катта имкониятлар яратиб берилганлигидан жуда ҳам мамнунман, — дейди тадбиркор Венера Садуллаева. — Мен тўй ва бошқа турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган тўйхонани ишга туширдим, бундан ташқари, тўйхона қошида нон чехини йўлга қўйиб, ҳозирда халқимизни нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқдаман. Буларнинг ҳаммасини йўлга қўйишимда Халқ банкнинг молиявий кўмаги катта ёрдам бўлди. Улардан жуда миннатдорман. Албатта, бунда ўз-ўзидан янги иш ўринлари ҳам яратилди, 20 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти шу маҳалла ёшларини ташкил қилади. Тўғриси айтганда, юртимизда тадбиркорларга ҳамма шароитлар яратилган. Ҳар бир тадбиркор банклар томонидан берилган кредитлардан самарали фойдаланса, ишбилармонлик билан иш юритиб, ҳалол ишласа, давлатга ҳам, халққа ҳам фойдаси тегиб, ўзи ҳам бойишига ишонаман.

Давлат-тижорат Халқ банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буюн барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 2,8 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, ушбу кредит маблағлари эвазига 140 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Яратилган мазкур иш ўринларининг кўпчилиги чекка ҳудудлардаги кишлоқ жойларга тўғри келади.

— Бугун тадбиркорликка давлатимиз томонидан кучли эътибор берилиб, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати билан, — дейди Ҳўжайли туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Барно Собирова. — Мен ҳам Халқ банкнинг Таҳиатош ша-



ҳар филиалидан кредит олиб, тадбиркор бўлдим. Банкдан олган маблағ эвазига нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини йўлга қўйдим. Тайёрлаётган маҳсулотларимиз сифатли бўлганлиги учунми, ҳозирда буюртма-миз жуда кўп. Кредитни фоизи билан банкка вақтида қайтарётганлигимиз боис, банк ходимлари яна бизнес-лоийҳа беринг, кредит берамиз, фаолиятингиз кўламини янада кенгайтирасиз, деб таклиф берапти. Банк ходимларининг менга бўлган бу ишончидан хурсандман, албатта, банкка ҳам менинг ишончим жуда юқори. Келгусида, албатта, банк билан ҳамкорликда фаолиятимни кенгайтираман.

Банк филиали ходимлари берилган вазифаларни тўлалигича адо этиш билан бирга, Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шаҳарларидаги касб-хунар коллежларида ўқувчилар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш билан боғлиқ турли мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ўтказишга вақт топпоқда. Бу саяй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, тадбиркорликка лаёқати бор, пухта бизнес-лоийҳа ишлаб чиққан коллеж битирувчилари банкка кредит сураб мурожаат қилимоқда.

— Ордунм рўбига чиқиб, кичик бир сармоядор бўлишимда Халқ банкнинг кўмаги катта, — дейди Кеҗейли туман-

лилик Сарвиноз Соғиндиқова. — Коллежини битириб, Халқ банкнинг туман филиалига мурожаат қилган эдим, бизнес-лоийҳам маъқул бўлганлиги боис, банкдан 3 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига мини паррандачилик фермасини ташкил қилдим. Мана, ҳозир ишларим юришиб, туманимиз аҳолисини товуқ гўшти ва туҳум билан таъминлаб келмоқдаман. Даромадим кутганимдан ортиқ, оила аъзоларим ва ўзим ҳам хурсадман.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида коллеж битирувчиларига 901,0 миллион сўм кредитлар ажратилди. Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг молиявий кўмагида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ўз бизнесини ривожлантираётган тадбиркорлар кўпчилигини ташкил қилади.

Банк филиали нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўлламоқда, балки катта ва нуфузли инвестицион лойиҳаларга ҳам молиявий кўмак бериб келмоқда. Мақсад эса битта, молиявий кўмак орқали барча хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда доимий ҳамкор бўлиб, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшиланганида, шунингдек, мамлакат иқтисодини мустаҳкамлашда муносиб улуш қўшишдан иборат.

Банк матбуот хизмати

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Уринбосари

Эркин ХОДЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ☒ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ☒ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ☒ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ☒ миқдори чекланмаган.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar tegiriz
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-8666. 46 023 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nabatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Nabatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va axborot agentligida
2008-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617



9 772010 761004



XALQ BANKI

ДТ Халқ банки миллий валютадаги қуйидаги
муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«Файзли»

- сақлаш муддати – 6 ой ва ундан юкори;
- бадал миқдори – камида 500 минг сўм;
- қўшимча кириш муомалалари амалга оширилади;
- фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра пул ютуқлари тўлаб берилади.

«Нафақа»

- сақлаш муддати – 3 ой ва ундан юкори;
- бадал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча кириш муомалалари амалга оширилади;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра омонат муддати тугагандан сўнг миқдорнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

«Ишончли тўлов»

- сақлаш муддати – 2 йил;
- бадал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча кириш муомалалари амалга оширилади;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра фойдаланилган коммунал тўловлари учун ёки масофадан туриб бошқарилувчи банк хизмати «Uyali Pul» махсус ҳисоб рақамига нақд пулсиз ўтказиб берилади.

«Капитал»

- сақлаш муддати – 1 йил;
- бадал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча кириш муомалалари амалга оширилмайди;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра омонатга маблағлар кириш қилинган кун ёки белгиланган муддатнинг хоҳлаган даврида (аванс шаклида) миқдорнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

Маълумот учун телефон:
8-800 - 200-00-55

Хизматлар лицензияланган



Xalq farovonligi -
faoliyatimiz mezon

21 yil

8-dekabr

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni muborak bo'lsin!